

## «Само»: 13 хил маҳсулот

*Қўрғонтепа туманидаги «Само» тўқимачилик ҳиссадорлик жамиятида 968 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг кучи билан йилига 1800 тонна пахта қайта ишланиб, 13 хил маҳсулот тайёрланаётир.*

*Яқин кунларда бу ерда сочиқ, бўз бўяш, тикувчилик цехлари ҳам ишга туширилади. Демак, иш ўринлари янада кўпаяди.*

***СУРАТДА:** йигирувчи Қандихон Раҳимова.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## Банкчилар терроризмни қуроллашмоқда

— Халқимиз террористик хуружларни, унинг касрини, балою офатларини бошидан кечирган, мазкур манфур ҳаракат иштирокчиларининг жирканч башараларини ўз кўзи билан кўрган халқ. Бу офатнинг илдизи таг-туги билан қирқилмас экан, ҳар биримизнинг турмушимизда на фаровонлик бўлади, на тотувлик. Одамзод бошига катта таҳдид солиб турган ана шу иллатга барҳам берилсагина одамлар эркин нафас олади, тинч ва осуда ҳаёт кечиради.

Марказий банкда ўтказилган «Тинчликни асраш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир!» мавзуидаги анжуманда сўзга чиққанлар Ватанимизда тинчликни сақлаш барчанинг муқаддас бурчи экани, уни қуруқ ваъзхонлик билан эмас, балки амалий ҳаракатларимиз билан исботлашимиз зарурлигини таъкидладилар. Халқаро терроризмга қарши курашда кузатувчи бўлиб туриш халқимиз учун номуносиб экани уқтирилди. Мамлакатимиз Президенти айтганларидек, тинчлик ўз-ўзидан келмайди, унинг учун ҳар биримиз жон куйдиришимиз, лозим бўлса, ўз ҳузур-ҳаловатимиздан кечишимизга тўғри келади. Акс ҳолда эркинлигимизни сақлаб қолиш, буюк ва обод Ватан қуриш йўлидаги меҳнатларимиз зое кетади.

Зеро, тинчлик ва осойишталик ҳукм сурган, одамлари эзгулик йўлида меҳнат қиладиган юртда тўкин-сочинлик, фаровонлик бўлади.

**Ўз мухбиримиз.**

*18 октябрь — Самарқанд куни*

***Самарқанд қадимий, мафтункор, сирли шаҳар. Унинг ҳар қадамида азиз-авлиёлар, юрт фидойилари бўлган аждодлар хокипойлари абадий қўним топган. Неча асрларки, дунёнинг турли мамлакатларидан не-не зиёлилар бу кўҳна диёрга интилишган. Улар Самарқанднинг, алломаларнинг хокипойини зиёрат этишни ўзлари учун шараф, деб билишган.***



***Республикамиз Президенти Ислом Каримов «Самарқанд — ўтмиши шарафли, бугуни саодатли, келажаги абадий шаҳардир», деганларида шаҳарнинг тарихий моҳияти, илоҳий руҳини назарда тутганларига асло шубҳа йўқ.***

## Ўтмиши шарафли, бугуни саодатли

Самарқанднинг жаҳоншумул шуҳратига, шонли тарихига беқиёс ҳисса қўшган буюк зот соҳибқирон Амир Темурдир. Бобокалонимиз Самарқандни Ҳинд соҳилларидан Волга дарёсигача, мўғул даштларидан Ўрта ер денгизигача чўзилган жаҳондаги энг катта ва қудратли, адолатли давлатнинг пойтахтига айлантирди. Самарқанд атрофида Қоҳира (Миср), Дамашқ, Султония, Боғдод, Шероз, Табриз каби қишлоқларни барпо эттирди. Уларга шундай ном берилишининг ўзи соҳибқироннинг Самарқандни дунёдаги энг машҳур шаҳарлардан ҳам машҳурроқ бўлишини истаганлигининг рамзий ифодаси эди.

Амир Темур салтанат пойтахтини гўзалликда бетимсол қилиб барпо этишда кўҳна Туронда, айниқса, Қорахонийлар ҳукмдорлиги пайтида юксак чўққига кўтарилган шаҳарсозлик анъаналаридан келиб чиққан ҳолда ўзига хос янги қоидалар ва усуллар яратди. Ҳар бир иншоот пухта ўйланган режа асосида қурилди. Улар энг баланд жойларда қад кўтарди. Биноларнинг ўзаро мутаносиблиги — қалъа деворлари, арк-саройлар, масжид ва мадрасалар, савдо расталари, бозорлар, карвонсаройлар, маиший бинолар бир-бирига уйғун ҳолда гўзал манзара касб этган.

Испания сайёҳи Руи Гонсалес де Клавихонинг Оврупа мамлакатларида ўн марталаб қайта нашр этилган «1403-1406 йилларда Самарқанддаги машҳур Темур саройида саёҳат кундалиги» асарида шундай жумлалар бор: «Дунёда ўзини ўзи вентиляция қиладиган битта шаҳар бор, у ҳам бўлса Самарқанд экан. Самарқанднинг атрофини уч томондан тоғлар қуршаб турибди. Шу тоғлардан 13-14 саржин баландликда сувлар сакраб тушади. Сув оқимида майин шабадалар ҳам қуйилиб тушади. Самарқанд сатҳи сал чуқур бўлганлиги сабабли, ҳаво шаҳар устида бир ҳалқа сифатида айланиб, ҳар-ҳар вақт Бухоро даштларига чиқиб, тоза ҳаво алмашиб туради».

Дунё нигоҳидаги ана шундай гўзал шаҳар мустақиллик йилларида янада чирой очди, унинг бутун бўй-басти, салобати аниқ-тиниқ намоён бўлди. Қадриятларимизнинг қайта қарор топиши натижасида зиёратгоҳлар, қадимий осори-атиқалар ўз ҳолига қайтди. Азалдан мағрибу машриқни узвий боғлаган кўҳна юртни яна етти иқлим таниди. Хорижлик сайёҳларнинг Самарқанддан қадами узилмай қолди. Ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуасини, калом илмининг пешвоси Имом Абу Мансур Мотуридий зиёратгоҳини, бу улуғ алломалар таълимотини бугун бутун дунё билади.

Ўтган йили Вазирлар Маҳкамасининг «Имом Абу Мансур ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори асосида Самарқанднинг шарқий қисмида жойлашган, улуғ аллома дафн этилган Чокардиза қабристони ободонлаштирилди. Очиғи, у таниб бўлмас даражада ўзгарди. Ташландиқ қабристон ўрнида маҳобатли зиёратгоҳ қад ростлади.

Тарихий манбаларнинг далолат беришича, Чокардиза қабристони Ислом оламидаги энг улуғ — Маккаи Мукаррамадаги Муалло ва Мадинаи Мунавварадаги Боқия хилхоналаридан кейинги ўринда туради. Афсуски, шундай улуғ қадамжо коммунистик мафкура ҳукмронлик қилган йилларда оёқ ости қилинди. 1948 йилда бус-бутун қабристон ҳовли-жойлар учун тақсимлаб берилди. Бир қисмида санаторий барпо этилди. Оқибатда мақбаралар бузиб ташланди, қабрлар, қабртошлар пойдеворлар тагида қолди.

Самарқандлик олимларнинг илмий изланишлари Чокардиза сир-синоатларини очиб берди. Улар қазув ишларини олиб боришда тарихий манбаларга, қабристонни яхши эслайдиган кексалар хотираларига таянишди. Археологлар, Ўзбекистон Фанлар академияси Самарқанд бўлимининг раҳбари, тарих фанлари доктори Темур Ширинов раҳбарлигида тайёрланган «Имом ал-Мотуридийнинг даври, ҳаёти ва мероси» номли илмий лойиҳалари уч йўналишда амалга оширилиши зиёратгоҳда бошланган эзгу ишларнинг дебочаси бўлди.

Ёдгорлик мажмуи ниҳоятда қисқа муддатда қуриб битказилди. Бунинг учун вилоят ва шаҳар ҳокимликлари қурилиш ишлари учун каттагина маблағ ажратишди. Республика мусулмонлари идораси, «Имом ал-Бухорий» халқаро хайрия жамғармаси ҳам ҳадяларини аяшмади. Вилоят ҳудудидаги бир қатор корхона, ташкилот, муассасалар, саховатпеша инсонлар ҳам қўл қовуштириб туришмади.

Хуллас, истиқлол туфайли тарихий ҳақиқат қарор топди. Мустабид истибдод даврида топталган аждодларимиз руҳи поклари шод айланди. Шу кўҳна шаҳарда туғилган, бутун умрини шу ерда ўтказиб, ижод қилган, калом илмини юксакларга кўтарган Абу Мансур ал-Мотуридий ҳазратларининг маҳобатли мақбараси муборак зиёратгоҳга айланди.

Хожа Аҳрор Валий, Фақиҳ Абдуллайс, Нодир Девонбеги, Баҳодир Ялангтўш, Амир Маъсум Шоҳмурод сингари Самарқанд шуҳратини оламга ёйган инсонлар масжидлари, мақбаралари, боғлари, қадамжолари, ва энг асосийси, уларнинг номлари тикланди, абадийлаштирилди. Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллиги, соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллиги муносабати билан кўпгина эзгу ишлар амалга оширилди.

1996 йилнинг 18 октябри кўҳна шаҳар тарихида ўчмас из қолдирди. Шу куни **Президентимиз Ислом Каримов бошчилигида буюк саркарданинг салобатли ҳайкали очилган чоғда бутун Самарқанд яшнаб кетди. Кўксарой томон мағрур боқаётган улуғ чеҳра бу дунёда адолатнинг боқий эканлигини яна бир бор исботлади. Юртбошимиз ана шу унутилмас лаҳзаларда Самарқанд шаҳрига биринчи рақамли «Амир Темур» орденини топширганларида ва бундан буён ҳар йили 18 октябрни «Самарқанд куни» сифатида байрам қилишни таклиф этганларида қалблар қувончдан ларзага келди.**

Ана шу қувончли воқеага роппа-роса беш йил тўлди. Ана шу беш йилда Самарқанд салоҳияти янада юксалди.

— Кейинги йилларда барпо этилган бири-биридан муҳташам иншоотлар Самарқанд кўркига кўрк қўшди, — дейди шаҳар ҳокими Пўлат Абдураҳмонов. — Зиёратчиларга қулайлик яратиш мақсадида Шоҳизинда зиёратгоҳи билан имом Абу Мансур Мотуридий ёдгорлик мажмуасини боғловчи янги йўл барпо этилганини алоҳида таъкидлашни истардим. Яна бир хайрли иш Бибихоним масжидини қайта таъмирлаб, «Самарқанд куни» арафасида ишга туширганимиз бўлди. Етти иқлимга машҳур Сиёб бозори эса мустақиллик йилларида икки баравар кенгайтирилди. Бу ерда бири-бирини такрорламас муҳташам иншоотлар барпо этилди. Вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан бугунги кунда шаҳарда жуда катта ҳажмдаги ободонлаштириш ишлари амалга оширилаяпти. Унда барча корхоналар, бутун шаҳар аҳолиси фаол қатнашаётгани самарқандликларнинг ўз юртларини қанчалик севишларидан, уни ардоқлашларидан далолат бераяпти. Аслида Самарқанд гўзаллигини идрок этиш — бой тарихимизни, ижодкор, яратувчи халқимизни идрок этиш демакдир.

Ҳа, миллатимиз ва давлатимиз фахру ифтихори бўлмиш Самарқанд ана шундай улуғ шаҳар. Унинг фидойи фарзандлари дилларида Ватан туйғуси, ободончилик, яратувчанлик хислатлари мужассам.

**Тангир САТТОРОВ,**
**«Маънавият ва маърифат» марказининг Темирйўл тумани бўлими раҳбари.**
**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Фармон қандай бажарилмоқда?*

## Амнистия: ИЖРО МУКАММАЛ БЎЛСИН

***Президент Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Фармони чиққанига ҳам икки ой бўлди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мазкур Фармон ижроси юзасидан ваколатли идоралар томонидан тегишли чора-тадбирлар белгиланиб, талайгина ишлар амалга оширилмоқда.***

Хусусан, вилоят ҳокимликлари томонидан қамоқ жойларидан озодликка чиққан шахслар учун ижтимоий кўникма марказлари ҳамда иш ўринлари ташкил этиш бўйича муайян тадбирлар амалга оширилди. Ушбу иш ўринларидан маълум бир қисми айнан жазодан озод қилинган шахслар учун белгилангани, ички ишлар органлари томонидан жазони ўташ жойларидан озод этилган шахсларга ижтимоий кўникма марказларига йўлланмалар берилаётгани, жойларда улар тақдирига сезгирлик билан муносабатда бўлинаётгани эътиборга молик.

Масалан, жазони ўташ муассасасидан доимий яшаш жойига қайтган андижонлик Ш.Солиева ижтимоий кўникма маркази томонидан тиббий кўрикдан ўтказилганда, хасталикка чалингани аниқланди. Шундан сўнг у даволаниш учун шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимига қарашли шифохонага жойлаштирилди. Ш.Солиевага 20 минг 580 сўм миқдорида моддий ёрдам пули берилиб, келгусида ишга жойлаштириш юзасидан қатъий чора-тадбирлар белгиланди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

— Президентимизнинг амнистия тўғрисидаги Фармони эълон қилинганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан мазкур Фармон ва унинг ижро тартиби ҳақидаги бошқа вазифаларни бажаришга оид тадбирлар режаси тузилиб, тегишли идоралар билан ҳамкорликда бажариш учун жойлардаги прокуратура органларига юборилди, — дейди республика прокуратураси бўлим прокурори Шуҳрат Эшонов. — Жумладан, унда Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 13 май қарорига илова қилинган ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ишга жойлаштиришда алоҳида қийинчиликларга дуч келган шахсларни ишга қабул қилиш учун махсус иш жойларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом талабларининг бажарилиши устидан назоратни кучайтириш зарурлиги таъкидланган.

Ушбу низом талабларига кўра, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча ташкилот, муассаса ва корхоналар юқорида тилга олинган тоифадаги шахслар учун махсус иш жойлари ташкил этиши, шу тоифа шахсларни ишга қабул қилиши мажбурийдир. Жазони ўташ муассасаларидан қайтган шахслардан 1024 нафари ишга жойлаштирилган.

Айни чоғда Фармоннинг аниқ ва тўлиқ бажарилиши учун масъул бўлган республика прокуратураси органлари томонидан ўтказилган текширишлар бу борадаги ишлар ҳамма жойда ҳам бир хилда эмаслигини кўрсатди. Жазони ўташ муассасаларидан озодликка чиқиб келган шахсларни жойларда тиббий кўрикдан ўтказиш, ишга жойлаштириш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш бўйича масъул бўлганларнинг ҳаммаси ҳам ўз вазифасини кўнгилдагидек бажаряпти, деб бўлмайди.

Масалан, Тошкент вилоятининг Ўртачирчиқ туманида жазони ижро этиш жойларидан қайтган шахслардан 3 нафари касаллигига чалинганлиги ҳақида хабар келган бўлса-да, улар туман соғлиқни сақлаш бўлими томонидан ўз вақтида рўйхатга олинмаган. Хоразм вилоятида жазони ўташ жойларидан қайтган шахслардан 183 нафари текшириш кунига қадар тиббий кўрикдан ўтказилмаганлиги ачинарли ҳолдир.

Бухоро вилоятининг Олот туманида жазони ўташ муассасаларидан қайтган 11 нафар шахс туман ички ишлар бўлими томонидан берилган тегишли йўлланма билан туман ҳокимлиги ҳузуридаги ижтимоий кўникма марказига моддий ёрдам сўраб мурожаат қилган бўлишига қарамай, бу ерда маблағ йўқлиги важи билан уларнинг талаблари қаноатлантирилмаган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 апрелдаги қарори билан тасдиқланган жазони ижро этиш жойларидан қайтган шахсларга ижтимоий, маиший жиҳатдан ва ишга жойлаштиришда ёрдам кўрсатиш бўйича ҳокимликлар ҳузуридаги махсус комиссиялар тўғрисидаги низом талабларига ҳам жойларда тўла риоя этилиши таъминланмаяпти. Жумладан, Урганч тумани ҳокимлиги ҳузуридаги махсус комиссияга иш сўраб мурожаат этган 23 шахснинг атиги 3 таси ишга жойлаштирилган, холос.

Президент Фармони ва ҳукумат қарорларининг тўла ва аниқ ижро этилишига ғов бўлаётган бундай салбий кўринишлар жойлардаги мутасаддиларни сергаклантирмоғи лозим. Зотан, билиб-билмай йўл қўйилган кичкина камчилик ҳам ҳар қандай яхши ташаббус ёки ҳаракатга соя ташлаши, қолаверса, кечаги қилмишидан пушаймон бўлиб, бугунги кунда яхши орзу-умидлар билан янги ҳаёт бошлаётган инсоннинг шахтини сўндириб қўйиши мумкин.

**Беҳзод НОРБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

Қирқиш чизиғи — — — — — Қирқиш чизиғи

*Ўзбекистон Республикасининг*
*ҚОНУНИ*

### Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

I. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрдаги Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, №2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, №5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда):

1) **15-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради.

Унча оғир бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назар-

2

Буклаш чизиғи

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг*
*ҚАРОРИ*

### "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (бундан буён матнда Қонун деб юритилади) матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Қонун амалга киритилгунга қадар ҳукм қилинган, содир этган қилмишлари Қонунга биноан жиноий деб топилмайдиган шахслар жазонинг барча туридан (асосий ва қўшимча жазолардан) озод қилинсин.

3. Қонунга мувофиқ жиноий деб топилмайдиган қилмишларга доир суриштирув, дастлабки тергов органлари ва судларнинг юритишидаги ишлар тугатилсин.

4. Қонун амалга киритилгунга қадар ҳукм қилинган, жазони ўтаб бўлмаган шахсларга нисбатан тайинланган жазо турлари ва чоралари, башарти Қонуннинг тегишли моддасида назарда тутилганига нисбатан оғирроқ бўлса, Қонунга мувофиқ ҳолга келтирилсин. Жазо чораси судлар томонидан Қонуннинг тегишли моддасида белгиланган энг кўп жазо чорасигача қадар камайтирилади.

5. Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро

31

Қирқиш чизиғи

юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади";

50) **202-моддаси:**

**иккинчи ва учинчи қисмларининг санкцияларидаги** "мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай" деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

"Етказилган моддий зарар уч карра миқдорида қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди";

51) **205-моддаси:**

**биринчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади";

**иккинчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади";

52) **206-моддаси:**

**биринчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади";

**иккинчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади";

53) **207-моддаси:**

**биринчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади";

**иккинчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён

18

Буклаш чизиғи

бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади";

**иккинчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"уч йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади";

**учинчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади";

41) **186$^{1}$-моддаси:**

**биринчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади";

**иккинчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"уч йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади";

**учинчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади";

42) **188-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаб, назорат қилинмайдиган фойда (даромад) олиш мақсадида савдо ёки воситачилик фаолиятини амалга ошириш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин анча миқдорда содир этилган бўлса, -

уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, энг кам ойлик иш хақининг бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаб, назорат қилинмайдиган фойда (даромад) олиш мақсадида савдо ёки воситачилик фаолиятини амалга ошириш:

а) хавфли рецидивист томонидан;

б) кўп миқдорда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, содир этилган бўлса,-

уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёхуд олти ойгача қамоқ

15

дан баданга ўртача оғир шикаст етказиш), 106-моддасида (кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш), 107-моддасида (зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан баданга оғир шикаст етказиш), 108-моддасида (ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, баданга қасддан оғир шикаст етказиш), 109-моддасида (қасддан баданга енгил шикаст етказиш), 110-моддасининг биринчи қисмида (қийнаш), 111-моддасида (эҳтиётсизлик орқасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш), 116-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик), 117-моддасининг биринчи қисмида (хавф остида қолдириш), 122-моддасида (вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш), 123-моддасида (ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш), 136-моддасида (аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш), 139-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (туҳмат), 140-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (ҳақорат қилиш), 149-моддасида (муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш), 167-моддасининг биринчи қисмида (ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш), 168-моддасининг биринчи қисмида (фирибгарлик), 169-моддасининг биринчи қисмида (ўғрилик), 170-моддасининг биринчи қисмида (алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулкий зарар етказиш), 172-моддасида (мулкни қўриқлашга виждонсиз муносабатда бўлиш), 173-моддасининг биринчи қисмида (мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш), 192-моддасида (рақобатчини обрўсизлантириш), 260-моддасининг биринчи қисмида (темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспортининг ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш), 266-моддасининг биринчи қисмида (транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш), 268-моддасининг биринчи қисмида (транспортнинг хавфсиз ишлашини таъминлашга доир қоидаларни бузиш), 298-моддасининг биринчи қисмида (машиналарни бошқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш) назарда тутилган жиноятларни биринчи марта содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин";

8) **73-моддасининг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда



Буклаш чизиғи

1) ажрим чиқарилган вақт ва жой;

2) ажрим чиқарган суднинг номи, судьянинг, суд мажлиси котибининг, тарафларнинг, таржимоннинг исми, отасининг исми ва фамилияси;

3) гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг исми, отасининг исми ва фамилияси, туғилган йили, ойи, куни ва жойи, яшаш жойи, ишлаш жойи, машғулоти, маълумоти ва иш учун аҳамиятга молик бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Суд ажримининг тавсиф-асослаш қисмида ярашув учун асос бўлган ҳолатлар баён этилади, ушбу Кодекснинг 585-моддасида санаб ўтилган масалаларга жавоблар ифодаланади.

Ажримнинг қарор қисмида суд қуйидаги масалаларни ҳал этади:

1) суд мажлиси баённомасини тасдиқлаш ҳамда жиноят ишини тугатиш ёки уни умумий қоидалар бўйича дастлабки терговни юритиш учун прокурорга юбориш тўғрисидаги;

2) эҳтиёт чораси тўғрисидаги;

3) ашёвий далиллар тўғрисидаги;

4) зарарни қоплаш тўғрисидаги.

Суднинг ажримига гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар), уларнинг қонуний вакиллари, ҳимоячи томонидан хусусий шикоят берилиши ҳамда прокурор томонидан хусусий протест келтирилиши мумкин".

III. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрдаги Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, №3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, №9, 193-модда, №12, 269-модда; 1996 йил, №5-6, 69-модда, №9, 144-модда; 1997 йил, №2, 56-модда, №4-5, 126-модда, №9, 241-модда; 1998 йил, №3, 38-модда, №5-6, 102-модда, №9, 181-модда; 1999 йил, №1, 20-модда, №5, 124-модда, №9, 229-модда; 2000 йил, №5-6, 153-модда, №7-8, 217-модда; 2001 йил, №1-2, 23-модда):

1) **61-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилотларнинг мол-мулкини ўғирлаш, ўзлаштириш, растрата қилиш, мансаб лавозимини суиистеъмол қилиш ёки фирибгарлик йўли билан оз миқдорда талон-торож қилиш — энг кам иш ҳақининг бир бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси



Қирқиш чизиғи

58) **253-моддаси:**

**биринчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади";

**иккинчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади";

59) **273-моддаси:**

**иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларининг санкцияларидаги** "мол-мулк мусодара қилиниб" деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**бешинчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади";

60) **277-моддаси:**

**иккинчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади";

**учинчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади";

61) **283-моддаси:**

**биринчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"уч йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки бир йилгача интизомий қисмга юбориш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади";

**иккинчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"уч йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади";

**учинчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади";

62) **284-моддасининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки уч ойгача қамоқ билан жазоланади";

63) **297-моддаси:**

**иккинчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён



Буклаш чизиғи

этилсин:

"энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади";

**иккинчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ билан жазоланади";

**учинчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади";

35) **179-моддасининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади";

36) **180-моддасининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади";

37) **181-моддасининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади";

38) **182-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланган ҳолда ёки декларациясиз ёхуд бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, товар ёки бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш, шундай ҳаракат учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин кўп миқдорда содир этилган бўлса, -

энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари



Қирқиш чизиғи

б) оғир жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида учдан бир қисми;

в) ўта оғир жиноят учун, шунингдек қасддан содир этган жинояти учун, агар шахс илгари қасддан содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, тайинланган жазо муддатининг камида ярмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин қўлланилади";

12) **90-моддасининг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Жазонинг ўталмаган қисмини енгилроғи билан алмаштириш:

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида бешдан бир қисми;

б) оғир жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисми;

в) ўта оғир жиноят учун, шунингдек қасддан содир этган жинояти учун, агар шахс илгари қасддан содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, тайинланган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ўтаб бўлганидан кейин қўлланилиши мумкин";

13) **104-моддаси:**

**биринчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади";

**иккинчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади";

**учинчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади";

14) **113-моддаси:**

**биринчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади";

**иккинчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"олти ойгача қамоқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади";

**учинчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён



исталган босқичида, аммо суд маслаҳатхонага киришидан олдин берилиши мумкин.

Аризада етказилган зиён бартараф этилгани, шунингдек ярашилганлиги муносабати билан жиноят иши бўйича иш юритилишини тугатиш тўғрисидаги илтимос кўрсатилган бўлиши шарт.

Агар ярашув тўғрисидаги ариза иш биринчи инстанция судида суд муҳокамасидан ўтказилаётганда берилган бўлса, суд уни дарҳол кўриб чиқишга киришади.

Агар иш бўйича бир неча жабрланувчи бўлса, фақат барча жабрланувчилар билан ярашувга эришилган тақдирда, ярашув тўғрисидаги ишни юритиш мумкин.

Аризани қабул қилиш пайтида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жабрланувчига ёки унинг қонуний вакилига суд ярашувни тасдиқласа, у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимосномa бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтириши шарт.

**584-модда. Жиноят ишини судга юбориш тартиби**

Суриштирувчи, терговчи, прокурор жабрланувчининг (фуқаровий даъвогарнинг) ёки унинг қонуний вакилининг ярашув тўғрисидаги аризасини олгач, етти суткадан ортиқ бўлмаган муддатда гумон қилинувчининг, айбланувчининг розилиги билан ишни судга юбориш тўғрисида қарор чиқаради.

Қарорнинг тавсиф қисмида қуйидагилар кўрсатилади: жиноят иши қўзғатилишининг асослари, ишда гумон қилинувчи, айбланувчи сифатида иштирок этишга жалб қилинган шахслар тўғрисидаги маълумотлар, улар айбланаётган қилмишлар ва уларга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чоралари, шунингдек ярашув тўғрисидаги аризанинг мазмуни ҳамда гумон қилинувчи, айбланувчининг аризага муносабати.

Қарорнинг қарор қисмида:

1) ишни судга юбориш тўғрисидаги;

2) эҳтиёт чораси тўғрисидаги, шунингдек фуқаровий даъвони таъминлаш чоралари тўғрисидаги;

3) ашёвий далиллар тўғрисидаги қарор кўрсатилади.

Агар иш бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи сифатида иштирок этиш учун бир неча шахс жалб қилинган бўлиб, барчаси билан ҳам ярашувга эришилган бўлмаса, ярашувга эришилмаган гумон қилинувчиларга, айбланувчиларга тааллуқли материаллар ажратилади ва улар бўйича иш юритиш умумий қоидаларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади, бу ҳақда қарорда кўрсатилади.

Иш қарор чиқарилганидан кейин уч сутка ичида проку-



каси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, №2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, №12, 269-модда; 1997 йил, №2, 56-модда, №9, 241-модда; 1998 йил, №5-6, 102-модда, №9, 181-модда; 1999 йил, №1, 20-модда, №5, 124-модда, №9, 229-модда; 2000 йил, №5-6, 153-модда, №7-8, 217-модда; 2001 йил, №1-2, 11, 23-моддалар):

1) **36-моддаси учинчи қисмининг биринчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Терговчи прокурорнинг шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақидаги, жиноятни тавсиф қилиш ва айблов ҳажми ҳақидаги, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш ҳақидаги, ишни судга юбориш ёки ишни тугатиш ҳақидаги, тугалланган ишни қўшимча терговга қайтариш ҳақидаги кўрсатмаларига рози бўлмаса, ўз эътирозларини ёзма равишда баён қилган ҳолда ишни юқори турувчи прокурорга тақдим этишга ҳақлидир";

2) **46-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Айбланувчи: ўзининг нимада айбланаётганлигини билиш; ўзига қўйилган айблов юзасидан ва ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари бўйича кўрсатув ва тушунтириш бериш; ўз она тилидан ва таржимон хизматидан фойдаланиш; ҳимоячига эга бўлиш ва у билан холи учрашиш; ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишни шахсан ўзи амалга ошириш; илтимоснома бериш ва рад этиш; далиллар тақдим қилиш; терговчи ёки суриштирувчининг рухсати билан тергов ҳаракатларида иштирок этиш; дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг ишнинг барча материаллари билан танишиб чиқиш ва ундан керакли маълумотларни ёзиб олиш; терговчи ёки прокурор томонидан жиноят ишининг тугатилганлигига эътироз билдириш ва суд муҳокамаси ўтказилишини талаб қилиш; ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича, биринчи инстанция ва апелляция инстанцияси судининг мажлисларида, суднинг рухсати билан эса — кассация ва назорат инстанцияси судининг мажлисларида иштирок этиш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар бериш; суд мажлисининг баённомаси билан танишиш ва у ҳақда ўз мулоҳазаларини билдириш; иш бўйича келтирилган протестлар, апелляция, кассация шикоятларидан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътирозлар билдириш ҳуқуқига эга. Судланувчи охирги сўз билан чиқиш ҳуқуқига эгадир";

3) **48-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Гумон қилинувчи: ўзининг нимада гумон қилинаётган-



жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Фирибгарлик:

а) кўп миқдорда;

б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

г) компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, -

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Фирибгарлик:

а) жуда кўп миқдорда;

б) ўта хавфли рецидивист томонидан;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, -

энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди";

29) **169-моддаси:**

**биринчи қисмининг санкциясидаги** "мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай" деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**иккинчи ва учинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Ўғрилик:

а) жабрланувчининг кийими, сумкаси ёки бошқа қўл юкидаги ашёга нисбатан (киссавурлик);

б) анча миқдорда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

г) уй-жой, омборхона ёки бошқа хонага ғайриқонуний равишда кириб содир этилган бўлса, -

энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўғрилик:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) компьютер тизимига рухсатсиз кириб;



Қирқиш чизиғи

**иккинчи ва учинчи қисмларининг санкцияларидаги** тегишинча "мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай" ҳамда "мол-мулк мусодара қилиниб" деган сўзлар чиқариб ташлансин;

20) **139-моддаси:**

**биринчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади";

**иккинчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади";

**учинчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади";

21) **140-моддаси:**

**биринчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади";

**иккинчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади";

**учинчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади";

22) **141-моддаси:**

**биринчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади";

**иккинчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади";



дан воз кечганда ҳамда фуқаровий даъвони қаноатлантириш юзасидан кўрилган чораларга сабаб бўлган асослар бартараф этилган бошқа ҳолларда мол-мулкнинг хатланганлиги бекор қилинади";

11) **351-моддасининг:**

**биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Дастлабки тергов жиноят иши қўзғатилган кундан бошлаб уч ойдан ошмаган муддатда тамомланиши лозим";

**тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган дастлабки тергов муддати тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси прокурори ёки вилоят, Тошкент шаҳар прокурори ва унга тенглаштирилган прокурор томонидан беш ойгача узайтирилиши мумкин. Кейинчалик дастлабки тергов муддати фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари томонидан етти ойгача ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан тўққиз ойгача узайтирилиши мумкин. Алоҳида ҳолларда, содир этилган жиноятнинг оғирлигини ҳамда тергов қилинаётган ишнинг мураккаблигини инобатга олиб, дастлабки тергов муддати Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан бир йилгача узайтирилиши мумкин";

12) **374-моддаси:**

**иккинчи қисмининг 6-бандидаги** "ва эҳтимол тутилган мол-мулк мусодарасини" деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**учинчи қисмининг 3-бандидаги** "фуқаровий даъво ва мол-мулкнинг мусодара қилиниши эҳтимолини" деган сўзлар "фуқаровий даъвони" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) **380-моддасининг биринчи қисмидаги** "ва мол-мулкнинг мусодара қилиниши эҳтимолини" деган сўзлар чиқариб ташлансин;

14) **384-моддасининг 8-бандидаги** "ва мол-мулкнинг мусодара қилиниши эҳтимолини" деган сўзлар чиқариб ташлансин;

15) **396-моддасининг 6-бандидаги** "зарарни қоплаш ва мол-мулкнинг мусодара қилиниши эҳтимолини" деган сўзлар "зарар қопланишини" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

16) **398-моддасининг:**

**номидаги** "ва мол-мулкни мусодара этишни" деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**матнидаги** "зарарни қоплаш ҳамда мол-мулкнинг мусодара қилиниши эҳтимолини" деган сўзлар "зарар қопланишини" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

17) **401-моддасининг биринчи қисмидаги** "ва мол-мулкнинг мусодарасини" деган сўзлар чиқариб ташлансин;

18) **405-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:



ташлансин;

7) **242-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш Жиноят кодексида уч йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган қасддан содир этилган жиноятларга доир ҳамда эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун Жиноят кодексида беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича қўлланилади.

Алоҳида ҳолларда мазкур эҳтиёт чораси уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган қасддан содир этилган жиноятларга доир, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича ҳам қўлланилиши мумкин";

8) **245-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Жиноятлар тергов қилинаётганда қамоқда сақлаб туриш уч ойдан ортиқ давом этиши мумкин эмас.

Бу муддат терговни тамомлашнинг имкони бўлмаган ҳолларда ва эҳтиёт чорасини ўзгартириш учун асослар бўлмаган тақдирда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси прокурори ёки вилоят, Тошкент шаҳар прокурори ва унга тенглаштирилган прокурор томонидан беш ойгача узайтирилиши мумкин.

Қамоқда сақлаш муддатини беш ойдан ортиққа, яъни етти ойгача бўлган муддатга узайтиришга фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари томонидан, тўққиз ойгача бўлган муддатга - Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан йўл қўйилади. Алоҳида ҳолларда, тергов қилинаётган ишнинг ўта мураккаблигини инобатга олиб, оғир ҳамда ўта оғир жиноятлар содир этганликда айбланаётган шахсларга нисбатан қамоқда сақлаш муддати Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан бир йилгача узайтирилиши мумкин. Муддатни яна узайтиришга йўл қўйилмайди";

9) **290-моддасининг биринчи қисмидаги** "мулкий ундиришлар ҳамда мол-мулкни мусодара қилишга" деган сўзлар "мулкий ундиришларга" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **295-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Оқлов ҳукми қонуний кучга кирганда, жиноят иши тугатилганда, шунингдек фуқаровий даъвогар ўз даъвоси-



23) **155-моддаси:**

**биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Терроризм — халқаро муносабатларни мураккаблаштириш, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузиш, хавфсизлигига путур етказиш, уруш ва қуролли можаролар чиқариш, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, аҳолини қўрқитиш мақсадида давлат органини, халқаро ташкилотни, уларнинг мансабдор шахсларини, жисмоний ёки юридик шахсни бирон бир фаолиятни амалга оширишга ёки амалга оширишдан тийилишга мажбур қилиш учун зўрлик, куч ишлатиш, шахс ёки мол-мулкка хавф туғдирувчи бошқа қилмишлар ёхуд уларни амалга ошириш таҳдиди, шунингдек террорчилик ташкилотининг мавжуд бўлишини, ишлаб туришини, молиялаштирилишини таъминлашга, террорчилик ҳаракатларини тайёрлаш ва содир этишга, террорчилик ташкилотларига ёхуд террорчилик фаолиятига кўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ-воситалар ва ресурслар бериш ёки йиғишга, бошқа хизматлар кўрсатишга қаратилган фаолият -

саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади";

**иккинчи ва учинчи қисмларининг санкцияларидаги** "мол-мулк мусодара қилиниб" деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

"Терроризмни тайёрлашда иштирок этган шахс, агар у ҳокимият органларига ўз вақтида хабар бериш ёки бошқа усул билан оғир оқибатлар юзага келишининг ҳамда террорчилар мақсадлари амалга оширилишининг олдини олишга фаол кўмаклашган бўлса, башарти бу шахснинг ҳаракатларида жиноятнинг бошқа таркиби бўлмаса, жиноий жавобгарликдан озод этилади";

24) **157-моддаси биринчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади";

25) **159-моддаси:**

**биринчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади";

**тўртинчи қисмининг санкциясидаги** "мол-мулк мусодара қилиниб" деган сўзлар чиқариб ташлансин;



«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоёров, И. Шоғуломов, О. Қаипбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР: *Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 136-29-89; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 2815. 20397 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшид ТОҒАЕВ ва Зокир БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Н. Тошев.
Навбатчи — Б. Остонақулов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 *топширилди: 00.20* 1 2 3 4 5 6